

**Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ва унинг тизим
ташкilotларида 2025 йил давомида жисмоний ва юридик шахслар
ҳамда уларнинг викилларида келиб тушган мурожаатларнинг ўрганиб
чиқилиши ва амалга оширилган ишлар ҳақида
маълумот**

Вазирликда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, ижро мониторинги pm.gov.uz, edo.uz электрон дастурларидан фойдаланган ҳолда юритиш ва назорат қилишни таъминлаш бўйича ҳисобот даврида олиб борилган ишлар юзасидан вазирликнинг ҳайъат ва марказий аппарати йиғилишларида, шунингдек, ҳар ҳафта якуни билан вазир, вазир ўринбосари ҳузурида мунтазам равишда муҳокама қилиниши тизимли равишда йўлга қўйилган.

Шу жумладан, бевосита вазирликка 2025 йилда Президент виртуал қабулхонаси, Халқ қабулхоналари, Тадбиркорлар виртуал офиси, Бош прокуратура виртуал қабулхонаси, е-хат, вазирлик ишонч телефони, почта хизмати, веб-сайт, шахсий қабуллар, сайёр қабуллар ва ведеомулоқотлар орқали жами 4640 та жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари келиб тушган. Республика ҳудудида курғоқчилик сабабли 2024 йилга нисбатан мурожаатлар қисман кўпайган.

Жами 4640 та мурожаатдан, 328 та (7,0%) мурожаат вазирлик ваколатидаги масала бўлмаганлиги сабабли тааллуқлилиги бўйича бошқа вазирлик ва идораларга йўналтирилган бўлиб, 3 та (0,06%) мурожаатлар юзасидан аноним ҳамда 26 та (0,5%) мурожаатлар юзасидан кўрмасдан қолдириш ҳулосалари қабул қилинган. 44 та (0,9%) мурожаатлар ўрганиш жараёнида бўлиб, назоратга олинган.

Вазирлик ваколати доирасида ўрганилиб, ҳал этилган 4312 та (93,0%) мурожаатдан 820 та (19,0%) мурожаат юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилган бўлиб, 3419 та (79,3%) мурожаат ижобий ҳал этилган.

Мурожаатларни ўрганиш жараёнида Қонун ости ҳужжатларда белгиланган муддатлар бузилишига 2 та ҳолатда йўл қўйилганлиги аниқланган бўлиб, раҳбарият томонидан қаттиқ муҳокама этилган ҳамда масъулиятсиз ходимларга интизомий чоралар белгиланган.

2025 йилда вазирликка жисмоний шахслардан 3299 та (71,0%) ҳамда юридик шахслардан 1341 та (29,0%) мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 1856 та (40,0%) мурожаатлар электрон, 155 та (3,3%) мурожаатлар ёзма ҳамда 2629 та (56,6%) оғзаки мурожаатлар крим қилинган.

Оғзаки мурожаатлар таҳлил этилганда Ишонч телефони орқали 1657 та (35,7%), шахсий қабулларда 83 та (1,8%), сайёр қабулларда ҳамда ведеомулоқотларда 889 та (19,1%), мурожаатларни ташкил этган.

Мониторинг натижаларига асосан бевосита вазирликка келиб тушган 4640 та мурожаатлардан 105 та (2,2%) турли идоралардан битта шахс ва бир хил масалада юборилган дубликат мурожаатлиги ҳамда фуқаролар томонидан ўрганиш натижаларидан қониқиш ҳосил қилмаганлиги сабабли 37 та (0,8%) такрорий мурожаатлар қайд этилган.

Ушбу мурожаатлар такрорий мурожаат сифатида назоратга олиниб, ўрганишга масъул бўлганларга огоҳлантириш берилган.

Вазирликка келган мурожаатларнинг манбаалари

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Сенати, Депутатлар, Омбудсман 59 та (1,2%), Президент виртуал қабулхонаси 796 та (17,1%), Халқ қабулхонаси 144 та (3,1%), pm.gov.uz 442 та (9,5%), Тадбиркорлар виртуал офиси 136 та (2,9%), Бош прокуратура виртуал қабулхонаси 138 та (3,0%), Вазирлар Маҳкамасидан 37 та (0,8%), Е-ХАТ орқали бошқа вазирлик ва идоралардан 85 та (1,8%), Вазирлик ишонч телефони 1657 та (35,7%), Почта хизмати 155 та (3,3%), Шахсий ташриф 83 та (1,8%), веб-сайт 19 та (0,4%), Сайёр қабуллар ва видеомулоқотларда 889 та (19,1%) мурожаат келиб тушган.

Вазирликка келиб тушган мурожаатларда кўтарилган масалалар

Суғориш суви масаласида 2412 та (52,0%), Ирригация масаласида 748 та (16,1%), Муҳофаза ерлардан фойдаланиш масаласида 256 та (5,5%), Балиқчилик ташкил этиш ва бошқа масала 8 та (0,1%), Ижтимоий масалада 171 та (3,7%), Қурилиш масаласида 170 та (3,6%), Насос станциялар ва бошқа масалада 349 та (7,5%), Мелиорация масаласида 114 та (2,4%), Ичимлик сув масаласида 104 та (2,2%), Раҳбар ходимлар хатти-ҳаракати 42 та (0,9%), Коррупция масаласида 17 та (0,3%), Сув тежовчи технологиялар масаласида 138 та (3,0%), Инвестиция масаласида 4 та (0,1%), Инновация масаласида 25 та (0,5%), Давлат хусусий шерикчилик масаласида 82 та (1,7%), мурожаатлар келиб тушган.

Вазирликка келган мурожаатлар ҳудудлар кесимида

Қорақалпоғистон Республикасидан 205 та (4,4%), Андижон вилоятидан 196 та (4,2%), Бухоро вилоятидан 389 та (8,4%), Жиззах вилоятидан 286 та (6,1%), Қашқадарё вилоятидан 597 та (12,8%), Навоий вилоятидан 175 та (3,7%), Наманган вилоятидан 320 та (6,9%), Самарқанд вилоятидан 376 та (8,1%), Сирдарё вилоятидан 211 та (4,5%), Сурхондарё вилоятидан 679 та (14,6%), Фарғона вилоятидан 429 та (9,2%), Хоразм вилоятидан 235 та (5,0%), Тошкент вилоятидан 467 та (10,0%), Тошкент шаҳридан 70 та (1,5%), чет эллардан 5 та (0,1%) мурожаатлар келиб тушган.

Республика ҳамда ҳудудий тизим ташкилотларда мурожаатлар билан ишлаш

Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлиги, Давсувхўжаликназорат Инспекцияси, Сув хўжалигида лойиҳаларни амалга ошириш департаменти, Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш Давлат муассасаси, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва вилоятлардаги Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларига ва уларнинг ҳудудий тизимларига 2025 йил давомида жисмоний ва юридик шахслардан келган ва ўрганилган мурожаатлар таҳлилига асосан жами 13438 та

мурожаатлар келиб тушган бўлиб, республикада қурғоқчилик сабали 2025 йилда мурожаатлар келиши кўпайган.

Республика ҳамда ҳудудий тизим ташкилотлар томонидан жами ўрганилган 12880 та (95,8%) мурожаатлардан 10200 та (79,1%) мурожаатлар ижобий ҳал этилиб, 2653 та (20,6%) мурожаатлар тушунтирилган, 27 та (0,2%) мурожаатлар аноним ёки кўрмасдан қолдирилган, 469 та (3,6%) мурожаат тааллуқлилиги бўйича юборилиб, 89 та (0,7%) мурожаат ҳозирги даврда ўрганиш жараёнида.

Шундан, республика тизим ташкилотларида

Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлиги 1848 та (13,7%), Давсувхўжаликназорат Инспекцияси 563 та (4,2%), Сув хўжалигида лойиҳаларни амалга ошириш департаменти 78 та (0,6%), Сув хўжалигида бозор меҳанизмларини жорий қилиш Давлат муассасасига 43 та (0,3%) мурожаатлар келиб тушган ва ўрганилган.

Ҳудудий тизим ташкилотларда

Қорақалпоғистон Республикаси 604 та (4,5%), Андижон вилояти 477 та (3,5%), Бухоро вилояти 1031 та (7,6%), Жиззах вилояти 395 та (2,9%), Қашқадарё вилояти 2022 та (15,0%), Навоий вилояти 34 та (0,2%), Наманган вилояти 305 та (2,2%), Самарқанд вилояти 711 та (5,3%), Сурхондарё вилояти 525 та (3,9%), Сирдарё вилояти 380 та (2,8%), Тошкент вилояти 1820 та (13,5%), Фарғона вилояти 1091 та (8,1%), Хоразм вилояти 1511 та (11,2%) мурожаатлар келиб тушган ва ўрганилган.

Вазирликнинг мурожаатлар билан ишлаш бўлимининг 2025 йил учун мўлжалланган иш режасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Чапқирғоқ-Амударё, Аму-Бухоро, Сирдарё-Сўх, Норин-Қорадарё, Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ва уларнинг ҳузуридаги тизим ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонун ва қонуности ҳужжатларга мувофиқ ўрганилаётганини таҳлил қилиш ва мақсадли ўрганиш ўтказилган.

Ўрганиш натижасига кўра, ушбу тизимларда ҳужжатлар билан ишлашда маълум бир камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланиб, жойида бартараф этиш чоралари кўрилди. Вазирлик масъул ходими ва ИТХБ раҳбарлари иштирокида муҳокама ўтказилиб, йиғилиш баёни ва Чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида ташкилот раҳбари зиммасига юклатилди.

Вазирлик масъул ходими томонидан ушбу қайд этилган ҳудудларда мурожаатлар билан ишлашга масъул ходимларга m.gov.uz тизимида ишлаш, назорат қилиш бўйича семинар шаклида мурожаатлар билан ишлашни ташкил этишда қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар бўйича давра суҳбатлари ўтказилган бўлиб, вазирликнинг республика ташкилотлари ҳамда барча ҳудудлардаги тизим ташкилотларида m.gov.uz тизими ишга туширилган.

Матбуот хизмати томонидан

Юқоридаги ишларга қўшимча равишда вазирликнинг Матбуот хизмати томонидан ҳам муайян ишлар йўлга қўйилган бўлиб, республика бўйича интернет тармоқларига сув хўжалигига тааллуқли масалаларда жойлаштирилган мурожаатлар бўйича Матбуот хизмати ишчи гуруҳи тезкорликда масъуллар билан жойида ўрганишлар ташкиллаштирилиши йўлга қўйилган бўлиб, 11 та ҳолатда жойлаштирилган видео-аудио мурожаатлар барчаси тегишли тартибда ўрганилиб, мурожаатлар муаллифларига вазирликнинг ижтимоий тармоқларидаги расмий саҳифалари, телеграм гуруҳлари орқали жавоблар бериб, ахборотлар жойлаштириб борилмоқда.

Амалга оширилган тадбирлар

Жорий йилда кам ёгингарчилик, иссиқ ва қуруқ келгани сабабли сув тақчиллигини юмшатиш мақсадида Президент Администрацияси раҳбари топшириғига асосан вазирликда “24/7-Call-markazi” ҳамда тезкор “Штаб” ташкил этилиб, ушбу хизмат ҳақида ОАВ, ижтимоий тармоқлар ва вазирлик “web-sayti” орқали сув истеъмолчиларга маълумотларни етказиш тарғибот ишлари амалга оширилган.

Суғориш мавсумида, жами 4640 та мурожаатлардан айниқса ёз ойларида фуқароларнинг сув тақчиллиги бўйича 24/7 режимида “Call-markaz” (202-47-00) орқали 1039 та (22,4%) мурожаатлар қабул қилиниб, штабга жалб этилган малакали мутахассислар томонидан бир кун муддатда ўрганиш ва амалий ёрдам, тавсиялар бериш чоралари кўрилиб, деҳқонларни қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилган.

Бу ишлар юзасидан вазирлик раҳбарияти томонидан кунлик мониторинги юритилиб, амалга оширилган ишлар бўйича юқори идораларга ахборотлар киритиб борилган.

Юқорида қайд этилган ишларни янада самарали ташкил этиш мақсадида Сув хўжалиги объектларини хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясида ҳамда Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлигида сув тақчиллиги ва бошқа масалалар бўйича аҳолининг мурожаатлари билан ишловчи 24/7 режимида фаолият юритадиган “Call-markaz” (202-48-00) фаолияти йўлга қўйилган.

Сайёр қабуллар ва видеомулоқотлар

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган жадвалларга асосан вазир, вазир ўринбосарлари томонидан ҳудудларда жами 94 маротаба сайёр қабуллар ҳамда видеомулоқотлар ташкиллаштирилиб, тадбирларда 3306 нафар фуқаролар иштирок этгани, аҳоли тўғридан-тўғри раҳбарият билан бирга мулоқот қилиб, иштирокчиларнинг бир қисми жойида савол-жавоб тариқасида масалаларига ечим топгани ва ўрганиш талаб этилгани сабабли 889 нафар фуқаронинг мурожаатлари назоратга олиниб, аҳолининг мавжуд масалаларда амалий ёрдамлар берилиб, ҳозирда ҳам бу ишлар давом эттирилмоқда. Бу ишлар доимий равишда web-sayt, telegram гуруҳларда, ижтимоий тармоқларда ёритилиб борилди.

Мурожаатлар билан ишлаш фаолиятини мустаҳкамлаш

Мурожаатлар билан ишлашни тубдан яхшилаш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини қонун доирасида муддатларда ҳал этилишини таъминлаш мақсадида вазирликнинг Мурожаатлар билан ишлаш бўлимини Юридик хизмат бўлими таркибига киритилиб, Юридик хизмат ва мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси ташкил этилиб, фаолияти бевосита вазир томонидан назоратга олинган.

Малака ошириш масалалари

Вазирликнинг мурожаатлар билан ишлаш бўлими масъуллари Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили ташкиллаштириладиган малака ошириш тадбирларида иштирок этиб, ўзларига керакли билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб келмоқдалар.

Қўшимча равишда вазирлик, республика ва тизим ташкилотларда ҳам мурожаатлар билан ишлашга масъул бўлган мутахассислар Давлат хизматларини ривожлантириш агентлигида, Юристларни малакасини ошириш марказида билим-кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида ҳамда Касбий кўникмалар марказида сурдотаржимонлик малака ошириш курсларида шартнома асосида ўқитилиб, сертификатлар берилган.

Таҳлилларга таяниб, вазирликка жисмоний ва юридик шахслардан биринчи ўринда мурожаатлар кўп келаётган ҳудудларда ҳамда бошқа жойларда ҳам вазир ва вазир ўринбосарлари томонидан сайёр қабулларни ўтказиш, аҳолини муаммосини тинглаш ва уларнинг мурожаатлари ечими юзасидан ваколат доирасида амалий ёрдам бериш чоралар кўрилмоқда.

Юридик хизмат ва мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси